













# АСРИИ АНЪАНАЛАРНИНГ МУНОСИБ ВОРИСИ

**XIX асрдаёқ Каттақўрғон мавзеида адабий мактаб ва анъаналар шаклланган эди.**

*Сўфи Олтойёр, Муҳаммад Шариф Шавқий, Эшонхўжа Воли, Очишмурод Мирий, Авазмуҳаммад Видоий, Дилафзор, Абдул Қодир Покис, Остонакул Дабирий, Ҳақима ва Мутрибалор адабий миз тарихида маълум из қолдирган аждодларидир. Сўнги бошқиларда Абдулҳамид Маждий, Мамарасул Бобоев, Тошўлат Саъдий, Шамси Одол, Самариддин Сирождидинов, Маъруф Жамил каби қаламкашлар бу ерда шаклланган адабий анъаналарни янада ривожлантириб, давом эттирдилар.*

Яздон Худойқулов ҳам каттақўрғонлик ижодкорлардан. У бадий ижоднинг турли соҳаларида қалам тебратди. Айниқса, драматургия ва насрдаги баракали фаолияти уни китобхонларга танитди. Пойтахтдаги катта адабий муҳитдан, ҳаётдан узоқда яшаб, ўндан ортиқ драма, олтита қисса ва иккита роман ёзиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бу ижодкордан ҳаёт сир-синаотларини чуқур ўрганиш, муҳим қирраларини сезириш билан англаб олиш, теран шуур ва туйғу билан қайта бадий мушоҳада этиш, ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиришни талаб этади.



Емонлик қилган, севгисини топтаган Шерали автомобил ҳалокатига учраб, яраланиб келганда ундан ўч олмайди, балки инсонийлигини намойён этиб, уни улимдан сақлаб қолади.

Драматург Яздон Худойқуловнинг ижодида «Суд» пьесаси алоҳида ўрин тутди. Асарда виждон ва самимийлик ҳақидаги фалсафий тушунча инсоний хислатларнинг энг ноёби сифатида талқин этилган. Унда психологик таҳлил усули қўлланилиб, қаҳрамонлар ҳаракати кучли тўқнашувлар, курашлар сахналарида очилиб боради, ички ва ташқи зиддиятлар, ҳиссий бўронлар тўққинини мавжлантиради. Инсоннинг мураккаб табиати, зоҳирий хислатларида ташқари қалб қаърида яшарини ётадиган ботиний ўзига хослик ҳам берилди намойён бўлади. Асарда қаҳрамонларнинг курашлари, кескин тўқнашувлари деярли очик-ойдин тасвирланмайди. Бироқ ички турғин, қалб изтироблари, ботиний ҳиссийётлар тўқнашуви драматург томонидан моҳирлик билан берилган.

Драматургнинг «Кампир кетармиш» лирик комедияси Муҳимий номли мусиқали драма ҳамда қатор вилоят театрларида сахналаштирилган. Театршунос олим Ф. Жўраев комедия тўғрисида тўхталиб: «Асарда икки кеска колхозчининг жоғроси орқали юлчилик, текинхўрлик, порахўрлик каби нопок иллатлар қулғули кўринишларда фож этилади», — дейди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Яздон Худойқулов бадий ижоднинг турли жанрларида қалам тебратётганлиги билан ҳам ажралиб туради. У прозада ҳам ўз ихтидорини синаб кўрмоқда. Адибнинг қатор бадий очерклари, қиссалари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Бу жиҳатдан «Қалбаги доғ» қиссаси алоҳида ўрин тутди. Асарни Я. Худойқулов яратган «Гулнома» номли тарихий драманинг давоми, ривожини, янги бир кўринишдаги талқини деса бўлади. Асарда шоир Мирий билимдон, доно, мулоҳазали ва адолатли шахс сифатида тасвирланди. У ҳар қанча тазйиқларга қарама-қарсидан адолат учун, олдий халқ ҳақ-ҳуқуқи учун курашади. Мирийнинг фожиали ҳаёти қиссада зўр ҳаяжон ва самимийлик билан ифодаланган.

Моҳир раҳбар, қалби дарё деҳқон, меҳнат қаҳрамони Раҳима Йсоломова бағишланган «Афсонавий аёл» воқеий қиссасини ёзувчининг журналистика соҳасида эришган ютуғи деса бўлади. Муаллиф қаҳрамони ҳаётини шунчаки ифодалаш билан kifойланмайди, балки унинг шаклланиш жараёнини кўрсатиш йўлидан боради. Асарда ҳаёт мураккабликлари, муҳитнинг қаҳрамон характери ва дунёқарашига таъсири, курашлар ва улардан чиқарилган хулосалар кўрсатилади.

Яздон Худойқулов таржима соҳасида ҳам баракали қалам тебратиб келаётган. У испан драматурги Гарсиа Лорканинг «Қонли тўй» фожиасини, А. Островскийнинг «Барно йигит», В. Чернихнинг «Суиистеъмол қилинган ҳокимият» драмаларини, Александр Лозневой қаламига мансуб «Чукчи эртаклар» асарини рус тилидан ўзбекчага, Н. Сафаровнинг «Кимга тўй, кимга аза», З. Фатхуллиннинг «Томоша давом этади» пьесаларини эса ўзбекчадан рус тилига ағдарган.

Уйлаймизки, бугун 70 ёшга тўлган адибнинг барча асарлари манъанавитини юксалтириш, коми инсонни тарбиялашга хизмат қилади ва бундан бун ҳам шундай бўлиб қолади.

Марди НУРИДДИНОВ,  
филология фанлари номзоди.

**Ҳа, Ўзбекистон бешинчи миллий чемпионатининг оралиқ маррасига бир тур қолганда Марғилонда меҳмон бўлган МХСК жамоаси мураббийларини юртимиз футбол мутасаддилари «Ўтган кунлар»даги Ҳожи бобонинг ана шу гапини бештиёр такрорлашди, десак хато қилмаймиз. Зеро, чемпионликка даъвогарлик қилаётган МХСК жамоасининг «Атласчи» клуби билан бу турда дуранг ўйнашнинг (0:0) кўпчилик мухлислар ҳам кутинмагани.**

Марғилонликлар эса бу туйғудан тамоман бегона эди. Чунки улар севимли жамоасининг ўз майдонида бу сафар ҳам кучли ўйин кўрсатишига ишонинганди. Виз бежизга «бу сафар ҳам» дея алоҳида таъкидламадик. Чунки «Атласчи» ҳар доим ҳам ўз майдонида рақибни ким бўлишидан қатъий назар чиройли ўйин кўрсатиб, ўз мухлисларини хурсанд қилиб келган. Ана шу хусусияти билан жамоа бир пайтлар «Пахтакор»нинг солиқ иттифоқ биринчиликларидаги қатнашувини эслатади. «Пахтакор» ўз майдонида пешқадам жамоаларга ҳам куп ҳолларда панд бериб қўяр, «Заря», «Черноморец» каби ноқулай рақибларгина Тошкентдан қўш очко билан қайтишарди. «Атласчи»нинг бу йилги ўз майдонидаги ўйинлари натижасига назар ташласак хотирамизда муҳрлиниб қолган уша солиқ «Пахтакор» жамоаси жонланади. Эътибор бериш, «Атласчи» бу йил ўз майдонида саккиз учрашув ўтказган бўлса, фахат дастлабки турдагина «Нефт-

## ШУНДАЙ ЖАМОАМИЗ БОР ЭКАНКИ...



чи» Марғилондан қийинчилик билан (3:4) (2:2) каби олий лиганинг етакчи жамоалари эса Марғилонда қимматли очколар йўқотишди. МХСК (0:0), «Наврўз» (1:0), «Дустилик» (2:1), «Пахтакор» (2:1), «Трактор» (5:1), «Атласчи»нинг фақат

АСК билан дуранг (0:0) ўйнаши марғилонлик футболсеварлар учун кутилмаган ҳол бўлди. 14-турнинг яна бир эътиборга молик натижаси Наманганда қайд

утказилган 13 учрашувда бор-йўғи тўрт марта ўз дарвозаси туридан тўғни олиб чиқишга мажбур бўлган эди. Лекин ана шу икки тўп ҳам «Наврўз»нинг рақибни «Наврўз»га очко келтирмади. Чунки наманганликлар меҳмонлари дарвозасига учта тўп киритишга муваффақ бўлишди. Қўйи погоналарни эгаллаб турган жамоалар мавзеи ушбу турдан сўнг янада чигаллашди. Бунга Наманган вилоятининг иккинчи жамоаси — «Косонсой» сабабчи бўлди. Косонсойликлар ўз майдонида АСК жамоасидан 2:0 ҳисобида устун келиб, «Динамо» (С), АСК, «Машғал» командаларига янада яқинлашиб келди.

Ушбу турнинг қолган учрашувларида қўйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Машғал» — 4:2, «Дустилик» — «Динамо» (С) — 1:0, «Нурафшон» — «Янгиер» — 4:1, «Динамо» (У) — «Трактор» — 1:1, «Пахтакор» — «Суддiena» — 3:0.

Биринчи давранин сўнги тур учрашувлари 10-11 июль кунлари ўтказилди. Учтинчи уринга ойдинлик киритиши кутилаётган МХСК — «Нурафшон» учрашувига мухлислар томонидан қизиқш катта бўлапти. Расул ЖУМАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика Прокраурагисидан Ўзбекистон Гавҳарлар уюшмаси раиси, халқ шоири Абдул-Орипов билан учрашув бўлди.

Шоир ҳуқуқ посбонларига республикамизда кечётган ўзгаришлар, адибларимиз яратётган янги асарлар, бу боралиги муаммолар, ижодий режалар хусусида сўзлаб берди. Ватанини маҳбۇс этувчи, халқни улдуловчи гурурбахш шеърларидан намуналар ўқиди. Абдулла Орипов Ўзбекистон делегацияси Америка Қўшма Штатларида бўлган чоғида олган таассуротлари ҳақида сўзлаб берди. Юртбошимизга, унинг ҳамроҳларига у ерда кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром, меҳмондўстлик, шоир қаламига мансуб — Ўзбекистон давлат маҳжаси янграганидан гоит гурурлангани ҳақидаги сўзбаштари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. (У.А.)

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ САВДОСИ!

### ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР ЭЪТИБОРИГА!

Республика Кўчмас мулк биржаси сиз, барча тадбиркор, ишбилармон, йирик сармоядорларни 1996 йил 9 август соат 10-00 да ўтказиладиган «ТАНЛОВ САВДОСИ»га таклиф этади.

### САВДОГА:

1. Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Думалоқ қишлоғидаги 46-АЁҚШ қўйилади. Ер майдони узоқ муддатли ижарага берилади. Бошланғич баҳоси — 1 млн. сўм.
2. Тошкент вилояти Пискент туманидаги 38-АЁҚШ қўйилади. Ер майдони узоқ муддатли ижарага берилади. Бошланғич баҳоси — 750 минг сўм.
3. Бухоро шаҳридаги 31-КАЁҚШ ер майдони билан қўйилади. Ер майдони сатҳи — 3119 кв. м. Бошланғич баҳоси — 700 минг сўм.

### АЁҚШлар танлов савдосининг шартлари:


1. АЁҚШлар сотиб олинган кундан бошлаб 3 йил давомида ўз йўналиш фаолиятини сақлаши ва қайта сотилмаслиги лозим.
2. Республика ташқарисидан нефть маҳсулотларини келтиришни таъминлаш ва сотиш ҳажми йилига 2,0 минг тоннадан кам бўлмаслигини таъминлаш лозим.
3. АЁҚШлар кеча-кундуз тинимсиз ишлашини ҳамда «Хусусий АЁҚШлар иш фаолияти тўғрисида»даги 1994 йил 9 июнда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 290-сонли муваққат низом ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 20 мартдаги 107-сонли қарори тартибларига риоя қилишни таъминлаш лозим.
4. Уч йил давомида АЁҚШлар фаолиятдан олинадиган соф фойданинг 50 фоизидан кам бўлмаган қисмини сарфлаган ҳолда, эстетик дидга асосланган хизмат кўрсатиш маданиятини жаҳон андозасига етказиш ва пуллик хизматлар соҳасини кенгайтириш лозим.
5. АЁҚШларнинг тозалик-маиший, эстетик жиҳатидан ва ёнғинга қарши ҳамда экологик талабларга жавоб берадиган корхонага айлантирилишини таъминлаш лозим.
6. Таклиф қилинган максимал баҳо. «Танлов савдоси»да иштирок этиш ва барча зарур маълумотлар юзасидан Тошкент шаҳар Мустақиллик майдони, 5, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси биносининг 3-қават, 13-хонасига мурожаат қилишинингиз мумкин.

Телефонлар: 39-41-24, 39-85-46, 36-79-62.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ 1996-1997 ЎҚУВ-ЙИЛИ УЧУН ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

- Кутубхоначилик факультети:**  
— кутубхоначи-библиограф,  
**Иجتимой маданий фаолият факультети:**  
— оммавий байрамлар режиссёри;  
— халқ театр режиссёри;  
— маданий-маърифий ишлар методист-ташқилотчиси;  
— маданият соҳаси менеждери;  
— ҳаваскорлик рақс жамоаси раҳбари;  
— маданият соҳаси социологи.  
**Халқ ижодиёти факультети:**  
— ҳаваскорлик халқ мусиқа ансамбли раҳбари;  
— ҳаваскорлик халқ чолғу оркестри ва ансамбли раҳбари;  
— ҳаваскорлик пуфлама чолғу оркестри раҳбари;  
— ҳаваскорлик хор жамоаси раҳбари.  
**Ўқиб мудатли кундузги бўлимларда 4 йил, сиртқи бўлимларда 5 йил.**  
Кутубхоначилик факультети ва маданият соҳаси менеждери, маданият соҳаси социологи, методист-ташқилотчи ихтисосликларига кириш имтиҳонлари қўйидаги фанлардан тест асосида ўтказилади:

- **Ўзбекистон тарихи;**
  - **она тили ва адабиёти;**
  - **чет тили (инглиз, француз, немис тиллари).**
- Қолган барча ихтисосликлар бўйича ижодий (профиль) имтиҳон ҳамда Ўзбекистон тарихи, она тили ва адабиёти фанлари бўйича тест синовлари ўтказилади.
- Ижодий имтиҳонлар 21 июлдан 24 июлгача ҳамда тест синовлари кундузги бўлимларда 1 августда, сиртқи бўлимларда 10 августда ўтказилади.
- Хужжатлар 1996 йил 20 июлгача қабул қилинади.**
- Институт манзили: 700164. Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 127 «а» уй.  
Тел. 62-32-86.



**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Анвар ЖўРАБОВ.

**БЎЛИМЛАР:**  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;  
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
Иқтисодий 36-36-65;  
Маънавият 36-35-60;  
Туғил муҳарририят 33-10-28;  
Эълонлар 36-09-25, Вестер-33-10-60

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.  
Навбатчи — А. Абдурахмонов.